

**«ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛ ИШТИРОКИДА «НАМКORBANK» АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ**

НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «Хорижий капитал иштирокида «Намкорбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг Умумий йиғилиши тўғриси»даги мазкур Низом (бундан буён матнда - Низом) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ва қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг (бундан буён матнда Марказий Банк) меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, «Хорижий капитал иштирокида «Намкорбанк» акциядорлик тижорат банкининг (бундан буён матнда Банк) Устави (Низоми)»га мувофиқ ишлаб чиқилган.
2. Мазкур Низом Банкнинг акциядорлари Умумий йиғилишини (бундан буён - акциядорларнинг Умумий йиғилиши) чақириш ва ўтказиш тартиби, ваколатини, қарор қабул қилиш тартиби ва уларни амалга ошириш жараёнини назорат қилишни ташкил этиш тартибини белгилайди.
3. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Банкнинг Олий бошқарув органидир. Банк акциядорлари Банк акциядорларининг Умумий йиғилишларида қатнашиш ва акциядорлар Умумий йиғилишининг қун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш йўли билан Банк бошқарувида иштирок этишади.
4. Банк акциядорларнинг Умумий йиғилишида барча акциядорларнинг иштирок этиши учун тенг имконият яратади.
5. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш санаси, жойи, вақти ва шакли, шунингдек акциядорларни хабардор қилиш тартиби, акциядорлар Умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш учун тақдим этилган материаллар (маълумотлар) рўйхати ва акциядорларнинг Умумий йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар Банкнинг Кузатов Кенгаши (бундан буён матнда - Кенгаш) томонидан мазкур Низомнинг талабларига, Банк Уставига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

2. АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ВАКОЛАТИ

6. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ваколатига қуйдагилар киради:

- a. Банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банк Уставини янги тахрирда тасдиқлаш;
- b. Банкни қайта ташкил этиш;
- c. Банкни тугатиш, тугатувчини тайинлаш (тугатиш комиссияси) ва оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- d. Банк Кенгаши ва Банкнинг миноритар акциядорлари қўмитаси (агар Банкда ташкил этилган бўлса) аъзоларининг сонини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш;
- e. Банк Бошқармаси Раисини (бундан буён матнда Бошқарма деб юритилади) сайлаш/тайинлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- f. эълон қилинган акцияларнинг максимал ҳажмини аниқлаш;
- g. Банкнинг Устав капиталини камайтириш;
- h. ўз шахсий акцияларини сотиб олиш;
- i. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- j. Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
- k. йиллик ҳисоботни тасдиқлаш;
- l. Банкнинг даромадлари ва зарарларини тақсимлаш;
- m. Банк Кенгаши ҳисоботларини ва Банк Тафтиш комиссиясининг ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича, шу жумладан Банкни бошқаришда қонунчилик талабларига риоя қилиниши бўйича хулосаларини тинглаш;
- n. қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда акцияларга айлантирилладиган акциялар ва эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда устун ҳуқуқни қўллаганлик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- o. акциядорларнинг Умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
- p. акцияларни ажратиш ва бирлаштириш;
- q. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Банк томонидан йирик битимлар, шунингдек, афилланган шахслар билан битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- r. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ички ҳужжатларини тасдиқлаш;
- s. Банкнинг устав капиталини кўпайтириш мақсадида қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- t. Умумий йиғилиш қарорига асосан Устав капиталини кўпайтириш мақсадида қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати Банк Кенгашига берилиши мумкин.
- u. бошқа масалаларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилиш.

3. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТУРЛАРИ

7. Акциядорлар Умумий йиғилиши йиллик ва навбатдан ташқари бўлиши мумкин.
8. Банк ҳар йили акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишини ўтказди. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши молиявий йилнинг тугаганидан кейин камида икки ойдан кейин ва олти ойдан кечиктирилмаган муддатда ўтказилади. Молиявий йил жорий тақвимий йилнинг 1 январидан 31 декабригача ўрнатилади.
9. Йиллик Умумий Йиғилишда мажбурий тарзда қуйидаги масалалар ҳал этилиши керак:
 - Банк Кенгашини сайлаш тўғрисида;
 - Банк Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида (бундан кейин - Тафтиш комиссияси деб юритилади);
 - Банк Бошқармасининг раиси (бундан кейин - Бошқарув раиси) билан шартнома муддатини узайтириш, шартнома муддатини қайта тузиш ёки бекор қилиш имконияти тўғрисида;

- йиллик ҳисоботларни, йиллик бухгалтерия ҳисоботларини, шу жумладан, Банкнинг фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботларини, молиявий йил яқунлари бўйича фойда тақсимотини ва Банк зарарларини қоплаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида;
 - акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатига тегишли бўлган бошқа масалалар.
10. Йиллик акциядорлар Умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилиш навбатдан ташқари деб ҳисобланади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши ҳар қандай вақтда мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган шахсларнинг ташаббуси билан ўтказилиши мумкин. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишида акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатларига тегишли ҳар қандай масалалар кўриб чиқиши мумкин.

4. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING КУН ТАРТИБИГА ТАКЛИФЛАР КИРИТИШ ВА АКЦИЯДОРЛАРNING УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЧАҚИРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

11. Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 1 (бир) фоизини ташкил этадиган акциядорлар (акциядор) акциядорларнинг йиллик йиғилиши кун тартибига масалаларни киритиш ва Банк Кенгашига, Тафтиш комиссиясига сони тегишли органнинг таркибий сонидан ошиб кетмаган ҳолда номзодларни тақдим этиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар Банк томонидан молиявий йил тугаганидан кейин 30 (ўттиз) кундан кечиктирмасдан тақдим этилиши керак.
- Акционеры (акционер) вправе внести изменения в список выдвинутых ими кандидатов в наблюдательный Совет и Ревизионную комиссию Банка не позднее 3(трех) рабочих дней с даты опубликования сообщения о проведении годового общего собрания акционеров.
12. Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига масалаларни киритиш таклифи уларни қўйиш сабаблари, уларни тақдим этган акциядорларнинг (акциядорнинг) номи, улар эгалик қиладиган акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма равишда киритилади ва акциядорлар (акциядор) томонидан имзоланган бўлиши лозим.
13. Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига масалаларни киритиш таклифи таклиф этилган ҳар бир масаланинг аниқ ифодасини ўз ичига олиши керак, номзодларни тақдим этиш таклифи эса - ҳар бир тавсия қилинган номзоднинг исми, у сайлаш таклиф қилинаётган органнинг номи, номзоднинг асосий иш жойидаги лавозими, агар мавжуд бўлса, ўз ичига олиши керак, таклифга ҳар бир номзоднинг ёзма розилиги илова қилиниши керак. Номзодларни кўрсатиш таклифига қўйиладиган талаблар Банк Кенгаши тўғрисидаги Низомда белгиланган.
14. Кун тартибига масалалар киритиш таклифини ва Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклиф киритган акциядор (акциядорлар) га тегишли овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг улуши бундай таклиф берилган санада белгиланади.
15. Банк акциядорларининг йиллик Умумий йиғилишининг кун тартибига масалаларни киритиш таклифлари, Банк бошқаруви органлари ва Банкнинг бошқа органларига номзодларни тақдим этиш бўйича таклифлар, шунингдек, навбатдан ташқари акциядорларининг Умумий йиғилишини чақириш талаби Банкка қуйидаги йўл билан тақдим этилади:
- Банк Кенгаши Раиси (кейинги ўринларда Кенгаш раиси) ёки Банк Кенгашининг корпоратив маслаҳатчисига (бундан буён матнда Корпоратив маслаҳатчи) имзо остида топшириш;
 - почта алоқаси ёки тезкор етказиб бериш хизмати орқали хатларни Банкнинг жойлашган манзилига «Банк Кенгаши Корпоратив маслаҳатчисига» белгиси билан жўнатиш.
- Бундай ҳолда, имзо остида тақдим этилган таклифни киритиш санаси уни топшириш санаси, почта алоқаси орқали юборилган таклифни киритиш санаси эса Банк томонидан почта жўнатмаси қабул қилинган сана ҳисобланади.
16. Банк Кенгаши келиб тушган таклифларни кўриб чиқиши шарт ва уларни мазкур Низомнинг 11-бандининг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган муддат

- тугаганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмаган ҳолда Умумий йиғилиш кун тартибига киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.
17. Акциядорлар (акциядор) томонидан таклиф этиладиган масала Умумий Кенгаш мажлисининг кун тартибига киритилиши, шунингдек, кўрсатилган номзодлар Банкнинг тегишли органига сайлаш бўйича овоз берадиган номзодлар рўйхатига киритилиши лозим, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно, агар:
 - акциядорлар (актсиядорлар) ушбу Қоидаларнинг 11-бандида белгиланган муддатларга риоя этмаган бўлсалар;
 - акциядорлар (акциядор) Банк қонун ҳужжатларида назарда тутилган овоз бериш ҳуқиқига эга акцияларнинг эгалари бўлмаса;
 - 12-бандда кўрсатилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
 - таклифлар Қонун талабларига жавоб бермаса.
 18. Банк Кенгаши акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига киритилиши таклиф этилган масалани ёки Банкнинг тегишли органига сайлаш бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритиш учун тавсия этилган номзодни рад этиш тўғрисидаги асосланган қарорини масалани киритган ёки номзодни тавсия этган акциядорларга (акциядорга) у қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмаган ҳолда юборилади.
 19. Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига акциядорлар томонидан киритилиши таклиф этилган масалалардан ташқари, тегишли орган тузиш учун акциядорлар томонидан тавсия этилган номзодларнинг йўқ бўлган ёки уларнинг сони етарли даражада бўлмаган тақдирда Банк Кенгаши акциядорлар Умумий йиғилиши кун тартибига масалаларни ёки номзодлар рўйхатига номзодни ўз хошишига кўра киритиши мумкин.
 20. Банк Кенгашининг қарорини Банк акциядорлари Умумий йиғилишининг кун тартибига масалани киритиш ёки Банкнинг тегишли органига сайловда овоз бериш бўйича номзодлар рўйхатига номзодни киритиш таклифини рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.
 21. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Банк Кенгаши қарори билан ўз ташаббуси, Банк Тафтиш комиссиясининг, шунингдек, ёзма ариза тақдим этилган кунга нисбатан Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор)нинг ёзма аризаси асосида ўтказилади. Банк Тафтиш комиссиясининг, шунингдек, Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор)нинг талаби асосида Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш Банк Кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш талабномаси тақдим этилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирилмаган ҳолда амалга оширилади.
 22. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабномасида йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритилиши асослари кўрсатилган ҳолда баён этилиши лозим. Банк Кенгаши Банк Тафтиш комиссиясининг, шунингдек, Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор)нинг талаби асосида чақириладиган Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартиби масалаларига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.
 23. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш талаби акциядорлар (акциядор) томонидан бериладиган бўлса, у ҳолда талабномада бундай йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исмлари (номлари) ва улар эгалик қилаётган акцияларининг сони, тури (тоифаси) кўрсатилиши керак.
 24. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талабнома акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни сўраб мурожаат қилган шахслар (шахс) томонидан имзоланади.
 25. Банк Кенгаши Банк Тафтиш комиссиясининг, шунингдек, Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор)нинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги

талабномаси берилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

26. Банк Тафтиш комиссиясининг ва Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор)нинг акциядорларнинг талабномасига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агарда:
 - акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий Кенгашини чақиришни талаб қиладиган акциядорлар (акциядор) мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган миқдордаги овоз берувчи акцияларнинг эгалари ҳисобланмаса;
 - Банк акциядорларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартибига киритилиши таклиф этиладиган масалаларнинг ҳеч бири унинг ваколатига кирмаса;
 - кун тартибига киритилиши таклиф қилинадиган масала Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг талабларига жавоб бермаса.
27. Банк Кенгашининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисидаги асосланган қарори ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 (уч) кундан кечиктирмай уни чақиришни талаб қилаётган шахсларга юборилади.
28. Банк Кенгашининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.
29. Мазкур Низомда кўрсатилган муддатда Банк Кенгаши томонидаг акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ҳолатларда, акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши чақиришни талаб қилган органлар ва шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг Умумий йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш учун сарф-харажатлар акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори билан Банк маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

5. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМҲЙ ЙИВИЛИШИДА ИШТРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ

30. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) календар кун олдин шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтказилган акциядорлар акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга.
31. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштрок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрини шакллантириш учун акцияларнинг номинал эгаси рўйхатни тузиш санасига нисбатан уларнинг акцияларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахслар тўғрисида маълумотларни тақдим этади.
32. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштрок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри ҳар бир акциядорнинг исмини (номини), унинг идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотларни, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг сони ва тури, унинг манзили (жойлашган ўрни) тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.
33. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштрок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри ушбу рўйхатга киритилган шахс(шахслар) нинг талабига биноан акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш вақтида маълумотлар (материаллар)ни тақдим этиш бўйича ушбу Низомда белгиланган тартибда танишиб чиқиш учун Банк Кенгашининг Корпоратив маслаҳатчиси томонидан тақдим этилади.
34. Банк акциядорининг талабига биноан, Банк Кенгашининг Корпоратив маслаҳатчиси шахсида 3 (уч) кун ичида унга акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрининг шу акциядор тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кўчирма нусхасини ёки унга акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрига киритилмаганлиги ҳақида маълумотномани тақдим этиши лозим.
35. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрига ўзгартиришлар фақат у шаклланган сана бўйича рўйхатга киритилмаган

шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг шаклланишида юз берган хатоларни тузатиш керак бўлган тақдирда киритилади.

36. Умумий йиғилишда қуйидагилар иштрок этиш ҳуқуқига эга:

- акциядорлар Умумий йиғилишида иштрок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрига киритилган шахслар;
- Банк Кенгаши аъзолари;
- Банк Бошқармасининг аъзолари;
- Тафтиш комиссиясининг аъзолари, Банкнинг Ҳисоб комиссияси (бундан кейин Ҳисоб комиссияси деб юритилади) ва Банк аудитори;
- Банк бошқаруви ва назорат органларини сайлаш учун сайлов бюллетенига киритилган номзодлар;
- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши раиси розилиги билан Банк Кенгаши Раиси ва Банк Бошқармаси Раиси томонидан тақлиф этилган шахслар.

6. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

37. Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш доирасида Банк Кенгаши қуйидагиларни белгилайди:

- акциядорлар Умумий йиғилишининг санаси, жойи, вақти, акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этадиган шахсларни рўйхатга олишнинг бошланиш вақти;
- акциядорлар Умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрини шакллантириш санаси;
- акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартиби;
- акциядорлар Умумий йиғилишининг ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш тартиби;
- акциядорларнинг Умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш учун тақдим этилган ахборот (материаллар) рўйхати ва уни тақдим этиш тартиби;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни.

7. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

38. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги хабар Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали 7 (етти) кундан кечиктирмасдан, лекин Умумий йиғилишни ўтказиш санасидан камида ўттиз кун олдин юборилади.

39. Юқорида айтилганлардан катъий назар, акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳақидаги ёзма кўринишдаги хабарнома (акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартиби ва унга алоқадор материалларни кўрсатган ҳолда) камида 30 (ўттиз) кун олдин Банкнинг хорижий акциядорлари, хусусан Халқаро Молия Корпорациясига (бундан буён матнда ХМК) ва Nederlandse FinancieringS-Maatschappij Voor Ontwikkelingslanden N.V. (бундан буён матнда **ФМО**)га улар томонидан Банкка ёзма равишда тақдим этган манзилларига юборилиши лозим.

40. Тегишли тарзда чақирилган ва ўтказиладиган акциядорларнинг Умумий йиғилишида ХМК ва **ФМО**нинг олдиндан ёзма розилигисиз, ХМК ва **ФМО**га юборилган хабарномада кўрсатилган битимлардан ташқари, ҳеч қандай битим тузиш мумкин эмас.

41. Банк Кенгаши Банк акциядорларига олдинги молиявий йил учун аудиторлик ҳисоботларини ушбу молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш режалаштирилган акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишдан камида 30 (ўттиз) кун олдин тақдим этиши шарт.

42. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги хабарнома қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:
- Банкнинг номи, манзили (почта манзили) ва электрон почта манзили;
 - акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
 - акциядорлар Умумий йиғилишида иштрок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрини шакллантириш санаси;
 - акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар;
 - акциядорлар Умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш учун акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) билан танишиш тартиби.
43. Банк акциядорлари Умумий йиғилишига тайёргарлик жараёнида акциядорларга қуйидаги маълумотлар (материаллар) тақдим этилади: Банкнинг йиллик ҳисоботлари; Банкнинг Тафтиш комиссияси ва аудиторлик ташкилотининг Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини йиллик текшируви натижалари тўғрисидаги хулосалари; Банк Башқармаси Раиси билан шартнома муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки тугатиш имконияти тўғрисида Банк Кенгаши хулосаси; Банк Кенгаши, Банк Тафтиш комиссияси, Банк ҳисоб комиссияси таркибига номзод (номзодлар) тўғрисидаги маълумотлар; Банк Уставига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ёки Банк Уставининг янги таҳрири; мазкур Низомда назарда тутилган Банкнинг ички ҳужжатлари лойиҳалари, шунингдек қўшимча маълумотлар (материаллар).
44. Акциядорларга йиллик Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш учун тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча маълумотлар (материаллар) қуйидагилардан иборат:
- Банк Кенгаши йиллик ҳисоботи;
 - Банк Кенгашининг даромадларни, шу жумладан, Банк акциялари бўйича дивиденд миқдори ва уни тўлаш тартиби ҳамда молиявий йил якунлари бўйича Банкнинг зарарларини тақсимлаш бўйича тавсиялари.
45. Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ҳисоб комиссияси аъзоларини сайлаш масаласини ўз ичига олган Умумий йиғилиш ўтказилишига тайёргарлик кўриш учун акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча маълумотларга тегишли жамият органига сайлаш учун кўрсатилган номзодларнинг ёзма розилиги мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар киради.
46. Акциядорларга Умумий йиғилишида Банк Кенгаши аъзоларини танлаш бўйича пухта ўйланган қарор қабул қилишлари учун акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда Кенгашга тавсия этилган номзодлар тўғрисида қуйидаги қўшимча маълумотлар тақдим этилади:
- ҳар бир тавсия этилган номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг туғилган йили;
 - номзодни тақдим этган (берилган) акциядорнинг (шахсларнинг) исми (номи);
 - бундай акциядорларга тегишли акцияларнинг сони ва тури;
 - маълумоти, шу жумладан, малака оширганлиги (ўқув юрти номи, битирув санаси, мутахассислиги);
 - охириги 5 йил ичида номзоднинг эгаллаган лавозимлари тўғрисидаги маълумотлар;
 - номзодликка тавсия этилган даврдаги эгаллаб турган лавозими;
 - бошқа юридик шахсларнинг Кенгаши ва бошқа бошқарув органларига аъзолиги тўғрисидаги маълумотлар;
 - номзод унинг иштирокчиси бўлган юридик шахслар рўйхати, ушбу юридик шахсларнинг устав капиталидаги унинг акциялари, улушлари ва пайларини кўрсатган ҳолда;
 - номзод унга нисбатан афилланган шахс бўлган шахсларнинг рўйхати афилланганлик асосларини кўрсатган ҳолда;
 - Банк Кенгашида қатнашиш бўйича чеклашлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар: судланганлик, маъмурий жавобгарлик, муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян

фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш сифатида жазо қўлланилганлиги.

47. Банкнинг қайта ташкил этилиши масаласини ўз ичига олган Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш вақтида акциядорларга тақдим этилиши шарт бўлган қўшимча маълумотлар (материаллар) куйидагиларни ўз ичига олади:
- Банкнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган (қабул қилинган) бўлиниши, ажратилиши ёки ўзгартирилиши тўғрисидаги қарорда ёки бирлаштириш ёки қўшилиш тўғрисидаги шартномада келтирилган Банкни қайта ташкил этиш шартлари ва тартибини асослаш;
 - қайта ташкил этишда иштрок этаётган барча ташкилотларнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан олдин тугалланган учта молиявий йил учун ёки агар ташкилот уч йилдан камроқ вақт мобайнида фаолият юритаётган бўлса ташкилот ташкил қилинганидан кейин ҳар бир тугалланган молиявий йил учун йиллик ҳисоботлари ва йиллик бухгалтерия ҳисоботлари;
 - акциядорлар Умумий йиғилиши санасидан олдинги охириги тугалланган чорак учун қайта ташкил этишда иштрок этаётган барча ташкилотларнинг чорак бухгалтерия ҳисоботи.
48. Банк Кенгаши корпоратив маслаҳатчиси юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг нусхаларини акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорнинг талабига биноан тақдим этишга мажбурийдир.

8. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА АКЦИЯДОРЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА ИШТРОК ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Акциядорларнинг Умумий йиғилишда иштирок этиш акциядор томонидан шахсан ёки ўз вакиллари орқали амалга оширилиши мумкин.
50. Акциядор хоҳлаган вақтда ўз вакилини акциядорларнинг умумий йиғилишида алмаштириши ёки акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок этиши мумкин.
51. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида акциядорнинг вакили ёзма равишда тузилган ишончнома асосида ҳаракат қилади. Овоз бериш учун берилган ишончнома вакилни тавсия этувчи ва вакил ҳақида маълумотлари (исми ёки фамилияси, яшаш жойи ёки жойлашган жойи, паспорт маълумотлари) ўз ичига олиши керак. Жисмоний шахс номидан овоз бериш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланиши керак. Юридик шахс номидан овоз бериш учун берилган ишончнома ушбу юридик шахснинг муҳри илова қилинган унинг раҳбари имзоси билан берилади.
52. Рўйхатга олиш жойи Банк акциядорлари Умумий йиғилишини ўтказиш жойи билан мос келиши керак.
53. Акциядорлар Умумий йиғилишида иштрок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатга олиниши акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш учун келган шахсларни акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестридаги маълумотларни ушбу шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлари билан таққослаш орқали аниқлаш шарти билан амалга оширилади.
54. Банкда Банк Кенгаши таклифига биноан миқдорий ва шахсий таркиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Ҳисоблаш комиссияси ташкил этилади.
55. Ҳисоблаш комиссияси таркиби уч кишидан кам бўлмаслиги керак. Банк Кенгаши аъзолари, Тафтиш комиссияси, Банк Бошқармаси, шунингдек, ушбу лавозимларга номзодлар Ҳисоблаш комиссиясининг аъзоси бўлишлари мумкин эмас.
56. Ҳисоблаш комиссияси акциядорларнинг (уларнинг вакиллари) акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни тушунтиради; овоз беришга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради; овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз

беришда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлайди; акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсларнинг ваколатларини текширади ва рўйхатга олади; акциядорлар Умумий йиғилишининг кворумини белгилайди; йиғилиш иштирокчисига унинг имзоси остида овоз бериш бюллетенини беради; овозларни ҳисоблайди ва овоз бериш натижалари бўйича хулоса чиқаради; овоз бериш натижалари тўғрисида баённома тузади; овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

9. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ

57. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши акциядорлар (уларнинг вакиллари) акциядорлар Умумий йиғилишида иштрок этиш учун рўйхатга олиш тугатилган вақтда Банкнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларининг 50 (эллик) фоизидан кўпроғига эга бўлган акциядорлар рўйхатдан ўтган тақдирда қонуний ҳуқуққа (кворумга эга) эга бўлади.
58. Акциядорлар Умумий йиғилишида кворум тўпланмаган тақдирда, худди шу кун тартиби билан акциядорларнинг Умумий йиғилиши қайтадан ўтказилиши керак.
59. Ўтказилмаган йиғилиш ўрнига қайта ўтказилган акциядорларнинг Умумий йиғилиши акциядорлар (уларнинг вакиллари) акциядорлар Умумий йиғилишида иштрок этиш учун рўйхатга олиш тугатилган вақтда Банкнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларининг 40 (қирк) фоизидан кўпроғига эга бўлган акциядорлар рўйхатдан ўтган тақдирда қонуний ҳуқуққа (кворумга эга) эга бўлади.
60. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини қайтадан ўтказиш тўғрисидаги хабар мазкур Низомнинг 7-бўлимида назарда тутилган муддатда ва шаклда амалга оширилади.
61. Ўтказилмаган йиғилиш кунидан кейин камида 20 кундан кейин акциядорларнинг Умумий йиғилишини қайтадан ўтказишда, акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрига мувофиқ аниқланади.

10. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

62. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ишчи органлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:
 - президум (раёсат);
 - раис;
 - котиб;
 - ҳисоб комиссияси.
63. Банк Кенгаши, Тафтиҳ комиссияси ёки Банк аудитори ташаббуси билан чақирилган йиғилишнинг президиуми (раёсати) Банк Кенгаши аъзоларидан иборат.
64. Акциядорлар ташаббуси билан чақирилган навбатдан ташқари йиғилиш президиуми таркибига Банк Кенгаши аъзоларидан ташқари, акциядорларнинг Умумий йиғилишида сайланган акциядорлар ҳам кириши мумкин. Бунда, президиумга сайланган акциядорлар сони Банк Кенгашининг мавжуд амалдаги аъзолари сонидан ошмаслиги керак.
65. Номзодлар ташаббускорлар томонидан тавсия этилмаган ёки сайланмаган бўлса, навбатдан ташқари йиғилиш президиуми Банк Кенгаши аъзоларидан иборат.
66. Президиум (раёсат) коллегиял асосда қуйидагиларни амалга оширади:
 - Акциядорларнинг Умумий йиғилишни умумий бошқариш, йиғилишнинг бошқа ишчи органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, йиғилиш ишида танафуслар белгилайди;
 - йиғилишга тақдим этилган саволлар ва баёнотларни таҳлил қилади, уларни умумлаштиради ва таснифлайди ва тегишли ҳолларда раёсатнинг муайян масалада жамоавий фикрини шакллантиради;
 - йиғилиш иштирокчиларининг президиумга(раёсатга) юборган материалларини (маъруза матнлари, хабарлар, маълумот ва ҳ.к.) йиғилиш баённомасига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилади.

67. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида Банк Кенгаши Раиси ёки унинг ўринбосари ёки улар бўлмаган тақдирда Банк Кенгаши аъзолари томонидан сайланган Банк Кенгаши аъзоларидан бири раислик қилади.
68. Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси:
- акциядорларнинг умумий йиғилишини очади ва бошқаради, мажлис кун тартибини эълон қилади, акциядорларнинг умумий йиғилишини ёпади;
 - акциядорлар ва бошқа маърузачиларнинг чиқишлари учун вақт тақдим этади;
 - маърузанинг регламентига риоя этилиши, уларнинг кун тартибига мувофиқлигига ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши тартибига риоя қилиниши учун жавобгардир;
 - йиғилишнинг танаффусини эълон қилади, танаффус вақтини белгилайди;
 - акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомасини имзолайди;
 - ушбу Низомда назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.
69. Йиғилиш котиби:
- келган акциядорларга овоз бериш тартибини тушунтиради, рўйхатга олиш ва овоз бериш бюллетенларини олишда ёрдам беради;
 - акциядорларнинг талабига биноан йиғилишга ахборот тақдим қилади;
 - йиғилиш органларини зарур материаллар (маълумот) билан таъминлайди;
 - акциядорлар томонидан тўлдирилган бюллетенларни қабул қилишни ташкил этади;
 - маъруза, таклиф ва материаллар учун таклиф аризаларини қабул қилади;
 - акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини юритади, уни расмийлаштиради ва имзолайди.

11. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

70. Умумий йиғилишнинг бошланиши белгиланган вақтда йиғилиш раиси Ҳисоб комиссияси вакилига йиғилишнинг кворуми мавжудлигини ёки йўқлигини эълон қилиш учун сўз беради.
71. Кворум йиғилган тақдирда, йиғилиш раиси акциядорларнинг Умумий йиғилишини очиб, кун тартибини эълон қилади. Кворум бўлмаса, ушбу Низомнинг 9-бўлимига тааллуқли қоидалар қўлланилади.
72. Йиғилиш раиси ҳар бир кун тартибидаги масалалар бўйича маърузачилар рўйхатини эълон қилади ва кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга ўтишни эълон қилади.
73. Йиғилишнинг кун тартиби масалалари бўйича чиқадиган маърузачиларнинг ҳар бир чиқиши учун 20 дақиқа белгиланади. Йиғилиш раиси маърузачининг илтимоси билан кўрсатилган муддатни оширишга ҳақлидир.
74. Акциядорлар Умумий йиғилишида акциядорлар ва иштирок этадиган бошқа шахслар, кун тартибидаги тегишли масаланинг муҳокамаси тугагунга қадар ушбу масала бўйича маъруза билан чиқиш истагини билдириш учун йиғилиш котибига ариза бериш ҳуқуқига эга.
75. Кун тартибидаги масала бўйича маърузалар тугагач, йиғилиш раиси кун тартиби масаласини муҳокама қилишга ўтади ва сўзга чиқиш учун тушган аризалар рўйхатини ўқиб эшиттиради ва маъруза билан чиқишни истаган ҳар бир кишига, лекин кун тартибида 15 дақиқадан ортиқ бўлмаган муддатга сўз беради. Кун тартиби масаласи бўйича чиқишлар тугаганидан кейин раис акциядорлар ва акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этаётган бошқа шахслардан келиб тушган саволларини ўқиб эшиттиради (агар мавжуд бўлса), шунингдек, саволларни оғзаки беришни ҳам таклиф қилади. Раис саволларга мустақил тарзда жавоб бериши ёки савол муайян шахсга қаратилган бўлса, йиғилиш раиси томонидан белгиланган шахсга жавоб бериш учун вақт беради.
76. Кун тартибидаги масала муҳокамасидан сўнг йиғилиш раиси акциядорларга тегишли кун тартиби масаласи бўйича овоз беришни таклиф қилди. Йиғилиш котиби овоз бериш бюллетенларини қабул қилишни ва уларни Ҳисоб комиссиясига топширилишини ташкил этади.

77. Йиғилиш Раиси овозларни ҳисоблаш натижаларини эълон қилиш учун Ҳисоб комиссиясининг вакилига сўз беради, у овозларни ҳисоблаш натижаларини эълон қилади.
78. Йиғилиш раиси йиғилишнинг яқунларини, қабул қилинган қарорларни ўқиб эшиттиради ва йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

12. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ОВОЗ БЕРИШ

79. Акциядорлар Умумий йиғилишида овоз бериш «Банкнинг битта овоз бериш акцияси - битта овоз», принципига мувофиқ амалга оширилади, Банк Кенгашининг аъзоларини сайлаш бўйича кумулатив овоз бериш бундан мустасно.
80. Акциядорлар Умумий йиғилишининг овоз беришга қўйилган масалалар юзасидан қарорлар Банкнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар эгаларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
81. Банк Кенгаши томонидан йирик битимни маъқуллаш тўғрисида яқдилликка эришилмаган тақдирда, Банк Кенгаши қарори билан йирик битимни тасдиқлаш масаласи Банк акциядорларининг Умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун чиқарилиши мумкин. Бунда йирик битимни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор Банк акциядорларининг Умумий йиғилиши томонидан овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларга эгалик қилувчи акциядорларнинг тўртдан уч қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13. ОВОЗ БЕРИШ БЮЛЛЕТЕНИ

82. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг кун тартиби бўйича овоз бериш бюллетенлари билан амалга оширилади.
83. Овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини Банк Кенгаши тасдиқлайди. Овоз бериш бюллетени Умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказилган акциядорга (унинг вакилига) берилади.
84. Овоз бериш бюллетенида қуйидагилар кўрсатилиши керак:
 - Банкнинг тўлиқ фирма номи ва жойлашган жойи;
 - акциядорлар Умумий йиғилишининг санаси, жойи ва вақти;
 - ҳар бир саволнинг овозга қўйилиши ва уни кўриб чиқиш тартиби;
 - кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича овоз бериш вариантлари «тарафдор», «қарши» ёки «бетараф»;
 - овоз беришни акциядор томонидан имзоланиши кераклиги ҳақида кўрсатма.
85. Банк Кенгаши ёки Тафтиш Комиссиясининг аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала бўйича овоз беришда бюллетенда номзод тўғрисидаги маълумотлар унинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган бўлиши керак.
86. Кумулатив овоз беришда овоз бериш бюллетенида бу ҳақда кўрсатма ва кумулатив овоз беришнинг моҳиятига тушунтириш киритилиши керак.

14. ОВОЗ БЕРИШ БЮЛЛЕТЕНЛАРИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ОВОЗ БЕРИШДА ОВОЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

87. Овоз бериш овоз бериш бюллетенлари билан амалга оширилганда, фақатгина мумкин бўлган овоз бериш варақаларидан бири қолдирилган масалалар бўйича овозлар ҳисобга олинади.
88. Юқорида келтирилган талабларни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетени яроқсиз деб топилиб, улардаги масалалар бўйича овозлар ҳисобга олинмайди.
89. Агар сайлов бюллетенида овоз бериш учун бир нечта саволлар қўйилган бўлса, юқорида кўрсатилган талабларнинг битта ёки бир нечта саволларга мос келмаслиги овоз бериш бюллетенини умуман бекор қилинишига олиб келмайди.

15. ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА БАЙННОМА ВА ҲИСОБОТ

90. Овоз бериш натижалари бўйича Ҳисоб комиссияси Ҳисоб комиссияси аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш натижалари тўғрисида баённома тузади.
91. Овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома тузилгандан ва Умумий йиғилиш баённомалари имзолагандан кейин овоз бериш бюллетени Ҳисоб комиссияси томонидан муҳрланади ва Банк архивига топширилади.
92. Овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома акциядорларнинг Умумий йиғилиши баённомасига илова қилиниши керак.
93. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида у томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш натижалари Умумий йиғилишда эълон қилинади ва овоз бериш натижалари баённомалари акциядорлар томонидан овоз бериш натижалари тўғрисидаги ҳисобот шаклида расмийлаштирилганидан кейин 30 (ўттиз) кундан кечиктирмаган ҳолда акциядорларга акциядорлар Умумий йиғилишининг ўтказилиши ҳақида хабар беришнинг кўзда тутилган тартибиде тақдим этилади.

16. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

94. Акциядорларнинг Умумий йиғилишининг баённомаси икки нусхада Умумий йиғилиш тугагандан кейин камида 10 (ўн) кун ичида расмийлаштирилади. Ҳар иккала нусхаси акциядорлар Умумий йиғилиши раиси ва йиғилиш котиби томонидан имзоланади.
95. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:
 - Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой;
 - Банкнинг овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларига эгалик қиладиган акциядорлар овозларининг умумий сони;
 - йиғилишда иштирок этадиган акциядорлар овозларининг сони;
 - йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби.
96. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш яқунлари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилган бўлиши шарт.

17. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИЛИШИ

97. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорларини амалга оширилишини назорат қилиш, агар бошқача қоида қарорда белгиланмаган бўлса ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши баённомасида акс этилмаган бўлса, Банк Кенгаши ва Банк Бошқармаси томонидан амалга оширилади.
98. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорлари йиғилишда иштрок этган ва иштрок этмаган барча акциядорлар учун мажбурийдир.
99. Акциядор акциядорларнинг Умумий йиғилишида узрли сабабларга кўра қатнашмаганлиги ёки бундай қарорга қарши овоз бера олмаган тақдирда, акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига нисбатан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.